




**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ
СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ ТОМОНИДАН
2021 ЙИЛДА АМАЛГА ОШИРИЛГАН
ИШЛАР БҮЙИЧА**

АХБОРОТ



Тошкент – 2022 йил

МУНДАРИЖА

Кириш	4
-------------	---

I. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ ВА ЎҚУВ-МЕТОДИК ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

1.1. Таълим жараёнини ташкилий ва моддий-техник жиҳатдан таъминлаш	6
1.2. Таълим тизимиға ахборот-коммуникация технологияларининг жорий қилинганилиги	8
1.3. Таълим жараёнини ташкил қилиш	10
1.4. Олий мактаб бити्रувчилари фаолияти самарадорлиги	17
1.5. Ишлаб чиқилган қўлланма ва рисолалар	18
1.6. Маънавий-маърифий ва спорт тадбирлари	19

II. ИЛМИЙ ВА АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШ

2.1. Тайёрланган таҳлилий маълумотномалар ва ишлаб чиқилган қонун хужжатлари лойиҳалари	20
2.2. Қонун хужжатлари лойиҳалари юзасидан тайёрланган хулосалар	22
2.3. Олий суд Пленуми қарори лойиҳаларини ишлаб чиқишида иштирок этилганлик ҳолати	23
2.4. Давлат дастурлари ва ҳукумат топшириқлари ижросини таъминлаш бўйича тадбирларда иштирок этилганлик ҳолати	24
2.5. Ўтказилган илмий-амалий конференция ва семинарлар	25
2.6. Илмий тадқиқотларни мувофиқлаштириш	28
2.7. Халқаро ва идоралараро ҳамкорлик	30
2.8. Олий мактабнинг илмий-тадқиқот фаолиятига ёндош бошқа тадбирлар	33
2.9. “Odillik mezoni” илмий-амалий ва ҳуқуқий журнали таҳририяти фаолияти	34

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш тизимини тубдан тако-миллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги

ПҚ-4096-сон қароридан келиб чиқиб, Судьялар олий мактаби (бундан бўён Олий мактаб деб юритилади) судьяликка номзодларни тайёрлаш, судьялар ва суд аппарати ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш бўйича тълим ва илмий-тадқиқот фаолиятини амалга оширади.

Ўтган даврда Олий мактаб фаолияти **“судьяни судья ўқитади”** тамойили асосида ташкил этилиб, тълим жараёнига инновацион педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда интерфаол ўқитиш усуллари жорий этилди, тингловчиларда юриспруденция, касбий этика, психология, ишга оид мулоқот, вақтни бошқариш, музокаралар олиб бориш, ахборотлар билан ишлаш, ҳуқуқ нормаларини шарҳлаш ва қўллашга доир назарий билимлар ва амалий кўникмаларни ривожлантиришга асосий эътибор қартилди.

Олий мактабнинг фаолияти ривожланган давлатлар (Канада, АҚШ, Жанубий Корея, Хитой, Туркия ва б.) тажрибасини ўрганган ҳолда ташкил этилиб, дарс машгулотлари мавзуларининг **судьялар талабидан келиб чиқиб** белгиланиши, тълим жараёни **бевосита судларда** ҳамда Олий мактабнинг **“имитация суд мажлиси зали”**да ташкил этилганлиги тълим самарадорлигининг яна-да ортишига олиб келди.

Олий мактабнинг ўтган даврдаги фаолияти нуфузли халқаро ташкилотлар экспертлари томонидан юқори баҳоланмоқда. Ҳусусан, **БМТнинг судьялар ва адвокатлар мустақиллиги масалалари бўйича маъзузачиси Диего Гарсия-Саян** судьяларни мустақил ўқитиш имкониятининг яратилган-



лиги Ўзбекистон суд-хуқук тизими етуклигининг муҳим кўрсаткичи эканлигини, Олий мактабнинг айнан Судьялар олий кенгаши ҳузурида ташкил этилганлиги судьялар мустақиллигини амалда таъминлашнинг реал кафолати ҳисобланшини таъкидлаб, таълим жараёнининг амалиёт билан узвий ҳолда олиб борилаётганини ва касбий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилганлигини мамнуният билан қўллаб-қувватлашини билдири (Д.Гарсия-Саяннинг 18.05.2021 йилда Женевада ёзиб олинган интервьюси илова қилинади).

Европа Иттилоғининг Ўзбекистондаги делегацияси раҳбари, элчи Шарлотт Адриан қўйидагиларни билдири: “Биз ҳақиқатан ҳам судьяларни тайёрлаш бўйича янги институтни, яъни Судьялар олий мактабини кўриб турибмиз. Бу ҳозирги демократлаштириш босқичидаги энг муҳим ислоҳотлардан бири ҳисобланади. Биз Судьялар олий мактаби билан доимий ҳамкорликни амалга ошириб келганмиз ва албатта келгусида ушбу ҳамкорлигимизни давом эттирамиз. Муқаммал суд тизими шахс, жамият ва иқтисодий ривожланиш учун муҳим омиллардан бири ҳисобланади. Аминмизки, Судьялар олий мактаби томонидан тайёрланаётган бўлажак судьялар билимли ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлашга хизмат қилишади”.

БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги доимий Вакили Матильда Димовсканинг таъкидлашича, Судьялар олий мактаби ташкил топган вақтдан бошлаб Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Тараққиёт дастури билан биргалиқда самарали ҳамкорлик қилиб келмоқда. Ўтган давр мобайнида Судьялар олий мактаби фаолияти замон талабларига мувофиқ бўлган принциплар асосида йўлга кўйилиб, унинг меъёрий ҳужжатлари ишлаб чиқилди, магистрларни танлов асосида қабул қилиш механизни йўлга кўйилди, янги ўқув курслари ва модуллари жорий қилинди. Шунингдек, Олий мактаб битирувчилари орасида гендер тенгликни таъминлашга қаратилган ишлар ҳам олиб борилди. БМТ Тараққиёт дастури Олий мактаб билан ўз олдига қўйган мақсадлари йўлида ҳамкорликни давом эттиради ва уни янада кенгайтиради.

Ушбу ахборотномада 2021 йилда Олий мактаб томонидан амалга оширилган ишлар тўғрисида маълумотлар тақдим этилади.

I. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИ ВА ЎҚУВ-МЕТОДИК ФАОЛИЯТНИ ТАШКИЛ ЭТИШ

1.1. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛИЙ ВА МОДДИЙ-ТЕХНИК ЖИҲАТДАН ТАЪМИНЛАШ

Судьялар олий мактабида		
Кенгаш	Кафедра	Бўлим
1 та	6 та	8 та

Судьялар олий мактабида **Кенгаш, 6 та кафедра, 8 та бўлим** ва бошқа тузилмалар фаолияти йўлга қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан 2020 йил 30 июнда ўтказилган селектор йиғилиши 49-сон Баёнининг 18-бандида белгиланган топшириқقا биноан Олий мактабда “**Инсон хуқуқлари ва халқаро хуқуқ**” кафедраси ташкил этилиб, мавжуд штатлар доирасида 1 та ўқитувчи штати жорий этилди.

Судьялар олий мактабида

13 нафар	илемий даражага эга бўлган мутахассислар
5 нафар	юридик фанлар доктори (3 нафари профессор, 1 нафари доцент)
8 нафар	юридик фанлар номзоди (3 нафари доцент)

Судьялар олий мактабида **13 нафар илмий даражага эга бўлган мутахассислар** фаолият кўрсатмоқда. Улардан **5 нафари юридик фанлар доктори** (3 нафари профессор, 1 нафари доцент), **8 нафари юридик фанлар номзоди** (3 нафари доцент) ҳисобланади. Олий мактабнинг **14 нафар** ходими илгари судьялик лавозимида фаолият юритган.

Штатдаги профессор-ўқитувчилар сони **10 нафарни** ташкил этиб, мавжуд штат доирасида **11 нафар** профессор-ўқитувчи фаолият юритмоқда.

48 нафар	малакали мутахассислар
12 нафар	олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари
22 нафар	судья
22 нафар	суд ва бошқа соҳа мутахассислари

Кафедра педагог-ходимлари билан биргаликда, дарс машғулотларига меҳнатга ҳақ тўлашнинг соатбай шартлари асосида суд тизими ва бошқа ташкилотларда фаолият юритаётган, кўп йиллик иш тажрибасига эга бўлган **48 нафар** малакали мутахассислар (**12 нафари** олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, **22 нафари** судья, **14 нафари** суд ва бошқа соҳа мутахассислари) жалб қилинган.

Бугунги кунда Олий мактабнинг таълим йўналиши бўйича илмий салоҳияти **80 фоизни** ташкил этади.

Олий мактабнинг ташкилий-хуқуқий, ўқув-услубий ва таълим жараёнини тартибига солувчи **20 дан ортиқ** локал ҳужжатлари ўз вақтида ишлаб чиқилган ва қабул қилинган.

Олий мактаб тингловчиларига муносиб ўқув-тайёргарлик шароитларини яратиш мақсадида **5 та маҳсус ўқув хонаси, 1 та суд имитация зали, кутубхона ва ахборот ресурс маркази** тингловчилар томонидан доимий фойдаланилди.

2021/2022 ўқув йили мобайнида магистратура тингловчилари ва докторантларнинг ҳар бирiga (жами 81 дона) ноутбук фойдаланиш учун бириктирилди.


Олий мактабнинг **Ахборот-ресурс маркази** ҳамда ундаги интернет тармоғига уланган 30 дан ортиқ сўнгги русумдаги компьютер техникали, кўп функцияли интерактив доскалар ва инфокиоскалар тингловчилар ҳамда докторантлар томонидан фойдаланиб келинмоқда.

Ахборот-ресурс марказидаги мавжуд **700 дан ортиқ** миллий ва хорижий юридик, илмий адабиётлар ҳамда **400 дан ортиқ** бадиий адабиётлардан ҳамда Олий мактаб томонидан обуна бўлинган **13 та** хорижий ва **34 та** маҳаллий журнал ва газеталардан тингловчилар ва ходимлар ҳисобот даврида доимий фойдаландилар.

2021 йилда Олий мактаб кутубхонаси 42 турдаги 120 тадан ортиқ хорижий давлатлар дарслеклари, ўқув кўлланмалари ва бошқа адабиётлар билан тўлдирилди.

Бугунги кун ҳолатига кутубхонада жами **1212 та** ўқув адабиётлари мавжуд бўлиб, шулардан: ўқув – **250 та**, илмий – **90 та**, бошқа адабиётлар – **416 та**, хорижий адабиётлар – **456** тани ташкил этади.


Миллий ва хорижий қонунчилиқдан кенг фойдаланиш мақсадида Олий мактабнинг **sudyalarolymaktabi.uz** веб сайтида электрон кутубхона рукни яратилиб, **650 дан ортиқ** элекtron шаклдаги миллий ва хорижий юридик ва бадиий адабиётлар, расмий нашрлар, журналлар ҳамда авторефератлар жойлаштирилган.




Кутубхонада жами: **1212 та**

Шундан

ЎҚУВ	ИЛМИЙ	БОШҚА АДАБИЁТЛАР	ХОРИЖИЙ АДАБИЁТЛАР
250	90	416	456



1.2. ТАЪЛИМ ТИЗИМИГА АХБОРОТ-КОММУНИКАЦИЯ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИНИНГ ЖОРЙ ҚИЛИНГАНЛИГИ



The screenshot shows the 'Ijro.gov.uz' website interface for electronic signatures. It features a header with the logo of the Ministry of Justice of the Republic of Uzbekistan and the text 'ИЖРО ИНТИЗОМИ ИДОРАЛАРДО ЯГОНА ЭЛЕКТРОН ТИЗИМИ'. Below the header is a purple 'Кирш' (Enter) button. The main content area displays the 'Ijro.gov.uz' logo and the text 'ижро интизоми идоралардо ягона электрон тизими'. It also includes the text 'Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, карор, фармомий ва топширилган мониторинг қилиш тизими' and a link to 'Мактаб хизида'. The right sidebar contains links for 'Мактаб маркази', 'Халқаро фасолист', 'Янгиликлар', 'Таълим турарни', and 'Видео'.

Хужжатларни онлайн юбориш

Укисх ўйналиши

Ўз хакимда

Фамилияси: Иски: Отасининг исми:

Паспорт бўйича Тунглаган санаси: Паспорт сериси ва номери:

Жинс: Энрак ♂ Айла ♀

Тунглаган жой:

Паспорт бўйича туар-жой манзаси: Айни вактдаги туар-жой манзаси:

Паспорт нускасини юбориш

Маълумоти: Тамомлаган Олай ўчук юрти номи: Мутахассислиги:

Малакаси: Олий ўчук юртида ўчиш йили: Чет тили:

Диплом бўйича: XXXX-XXXXXX

Диплом нускасини иловаси билан юбориш

Таълим тизими ташланг: Иш жойи номи:

ФИО: паспорт бўйича

Тунглаган санаси: DD/MM/YYYY

Телефон: +998

Бошқа маълумотлар:

Кодни киритинг:

Жуманити

Zoom Конференция

Включить аудиомикрофонный звук

Academy ФРЮ НИИН Bobur Mirzo Izm. Feruza Djambayeva Муслима Мансурова

Музаффар Маджидов Abrikos Ostanaz hp Жамсоҳ Ҳафзиддинов Абдулраҳим Гендерев

Нигузат Мирзалиев Миродиган Шералиев Гулброн Булохонова Абдулхалик Хайдаров Гарифзода Гулжон

Jasur Islamov Бегматова Сенавиевна Oybek Akhmadov Davronoy Donyorov

Миронов Судьялар олий мактаби Субҳонов Шерабек Д. Арипов Kamila Olimova

Миронов Судьялар олий мактаби Субҳонов Шерабек Д. Арипов Kamila Olimova

Включить звук Остановить видео Участники Чат Демонстрация экрана Запись Реакции Выход

13°C Воск.

Олий мактаб “**Ijro.gov.uz**” ягона электрон тизимига уланиб, электрон хужжатлар алмашинуви, хусусан ариза ва мурожаатларни электрон тарзда юбориш ва қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилди.

Олий мактабнинг расмий веб-сайти такомиллаштирилиб, **онлайн шаклда ариза топшириш** (sudyalarolymaktabi.uz/uz/request) имконияти яратилди.

Олий мактаб профессор-ўқитувчилари, тингловчиларининг рейтинг кўрсаткичлари-ни электрон тарзда шакллантириш, судьялар лавозимларига номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ва ўқув жараёнларини онлайн ва оффлайн тарзда назорат қилиш имкониятларини берувчи **“Масофавий таълим” ахборот дастури** (edu.sudya.uz) ишлаб чиқилди ва Олий мактабга онлайн тартибда мурожаат қилиш, барча ходим ва тингловчиларни масофадан назорат қилувчи **“E-kadr” тизими** (ekadr.sudya.uz) амалиётга тадбиқ этилди.

Ушбу дастурларни Олий мактаб фаолиятига тадбиқ этилиши натижасида чат, вебинар, видеоконференцалоқа ва бошқа воситалар асосида ҳар бир тингловчининг реал вақт (синхрон) режимида электрон шаклда ҳамда ўзи учун қулай бўлган вақтда, жойда ва муҳитда (асинхрон) билим олишига имконият яратиб, тингловчиларнинг мустақил фикрлаш, ҳолатни баҳолаш, хулоса қилиш қобилиятларини ривожлантирган ҳолда уларни мустақил билим олишга, изланишга, қолаверса янада кенгрок фикрлашга ўргатади. Асосийси бугунги пандемия шароитида тингловчиларни соғлиқларига таъсир қилмаган ҳолда илм олишларига қулайлик түғдиради. Шунингдек, судья ва суд аппарати ходимлари меҳнат фаолиятидан ажралмаган ҳолда таълим олишлари ҳамда малака оширишлари мумкин бўлди.

“Е-кадр” тизими кадрлар билаш ишлаш тизими самарадорлигини ошириш мақсадида жо-

рий қилинган. Ушбу тизим Олий мактаб ходимлари ва тингловчилари ҳақидаги маълумотлар базасидан ҳамда ходимлар ва тинловчилар нинг меҳнат ва таълим интизомига риоя қилишларини электрон назорат қилиш тизимидан иборат бўлиб, ундаги зарур маълумотларни масофавий таълим дастурига интеграция қилиш имконияти таъминланган.

“Судьялар ва суд аппарати ходимларининг одоб-ахлоқ нормалари: амалиётдаги долзарб муаммолар ва уларга йўл қўймасликнинг омиллари”, “Судьяларнинг оммавий ахборот воситалари билан алоқалари”, “Дастлабки эшитув институти жорий этилишининг асосий мақсади, амалга ошириш механизмлари, аҳамияти ва суд амалиётидаги эътиборли жиҳатлари”, “Суд ва тергов органларини коррупциядан холи тизимга айлантиришнинг устувор вазифалари” мавзуларидаги **ўқув видеодарс машғулотлари** фойдаланиш учун Олий мактаб веб-сайтига жойлаштирилди. Қолган дарс машғулотлари ҳам босқичма-босқич веб-сайтга жойлаштириб борилмоқда.

Олий мактаб тингловчилари миллий, хорижий ва халқаро қонун ҳужжатларини, чет эл тажрибаси ва ҳукуқни қўллаш амалиётини ўрганиш мақсадида **А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси** манбаларидан узлуксиз фойдаланиш имкониятидан самарали фойдаланмокдалар.

Ахборот-ресурс марказини замонавий ўқув, илмий ва бошқа адабиётлар билан жиҳозлаш, шу жумладан маҳаллий ва хорижий ҳукуқий ва ахборот-таҳлилий нашрларга мунтазам обуна бўлишини таъминлаш мақсадида Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонасининг хорижий илмий-таълимий, илмий-маърифий онлайн ахборот-кутубхона ресурслар фондига <https://www.natlib.uz> **электрон манзил** орқали доимий фойдаланувчи сифатида фойдаланиши имконияти яратилган, шунингдек Ахборот-кутубхона тизими орқали босма нашрларни излаш ва буюртма бериш дастури “ИБС” рўйхатдан ўтказилган.



Категории курсов

Магистратура 2020-2021 [8]

Система кадров Высшей школы судей

- Сотрудники
- Студенты
- Докторанты
- Штатное расписание
- Приказы
- Аттестация
- Командировки
- Отпуска
- Общий поиск
- Учет рабочего времени
- Отчет
- Справочник
- Статистика
- Операторы
- Логирование

Разработка CRM
Online Service Group
<http://mkhatsayfa.uz/#employee/224>

Сотрудники

Фильтр >

Ф.И.О	Ставка
Амирхон Сиддиков Солих угли	0.5
Анвар Хамидов Мзафарович	
Баходир Каримов Токирович	1
Бекзод Муминов Абдувахобович	
Ботир Самарходжаев Биполович	
Гулназа Касимова Умералиевна	
Дурдана Низамиддинова Сохижон кизи	
Жавоҳир Мадумаров Махмаджон угли	
Жамшид Исламов Баҳрамович	
Жасур Мухамадиев Зуфаржон угли	

FORUM BOYLAMASI QAYTA ALOQA SAVI XAVASI RSS

KUTUBXONA HAQIDA MULAKASSILAR UCHUN KUTUBXONA FAZILATI KUTUBXONA XIZMATI MENING KUTUBXONASI QESBUV

Alisher Navoiy nomidagi Oʻzbekiston Milliy kutubxonasi Integratsion qidiruv Interaktiv Xizmatlar

Yengilklar Tadbiqlar

E'loni Alisher Navoiy nomidagi Oʻzbekiston Milliy kutubxonasi 2020-yil 10-dekabr kuni Milliy kutubxonasi serverinida tunc profiliiga shaxsi oʻsib borishni mos kelish, shu kunda kutubxonaning Eletron qidiruv zali, kliboshameni... 17.02.2022

Alisher Navoiy nomidagi Oʻzbekiston Milliy... Alisher Navoiy nomidagi Oʻzbekiston Milliy kutubxonasi 2022-yil oʻsib borishini metodik toʻgʻrisi orqali oʻz boyiqchisi mos keladi. Tugʼushegi peshin va effting tonda boʻlib zebor. Jeng yutq... 14.02.2022

Interaktiv Xizmatlar

- Respublika kutubxonalarida labdarlar anomii
- Yash kishlarni joyevi
- Yash kishlarni olib
- Video darlik: "Eletron katalogidan kitob olish"
- Video darlik: "Ortixon roʻyhati olish"
- Narsalarga xizqo standart berilish rejam berish (DIN64300)
- Kuchliklarda indekslami qo yish (DOI, KMK)
- Narsalarga elektron hujzatma berish

KORIJUY ELEKTRON RESURSLAR

Kutubxonachigicha... Vositalar va ijara... Hamkorlik Xorijy elektr... EBSCO Host

Yangi yetib kelgan kitoblar Tavsiya qilingan kitoblar Omabeb kitoblar

1.3. ТАЪЛИМ ЖАРАЁНИНИ ТАШКИЛ ҚИЛИШ



Магистратура:

Судьялар олий мактабининг 2021/2022 ўқув йили учун 5A240121 – Суд фаолияти (фаолият турлари бўйича) магистратура мутахассислиги бўйича қабул жараёни Судьялар олий кенгашининг 2021 йил 4 майдаги “2021/2022 ўқув йили учун қабул комиссияси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги 31-ум-сон буйруғига асосан ташкил қилинди.

2021 йилнинг 20-21 август кунлари судьяликка тайёрлаш курсига икки босқичли синов имтиҳонлари ўтказилди. Имтиҳон натижаларига кўра, 289 нафар даъвогардан **76 нафари Судьялар олий мактаби магистратура босқичи тингловчилари сафига қабул қилинди** (шуундан 25 нафари жиноят ҳукуқи, 15 нафари иқтисодий ҳукуқ, 26 нафари фуқаролик ва 10 нафари маъмурий ҳукуқ).

Олий мактабда магистратура таълим дастури 30 ҳафта назарий ва амалий таълим, 16 ҳафта стажировка ва аттестация, 4 ҳафта таътилдан иборат бўлиб, жами 1080 соатни ташкил қиласди. Магистратура курсининг ўқув дастурида ўқув машгулотларининг 33 фоизи назарий билимларга, 67 фоизи амалий кўникмаларни шакллантиришга йўналтирилган. Магистратура курси мутахассислик фанлари ўқув дастурининг мавзулари суд статистикасини ўрганган ҳолда суд амалиётидаги долзарб муаммоларни инобатга олган ҳолда шакллантирилган.

2021/2022 ўқув йилида магистратура ўқув курсининг барча ихтисосликлари га “Суд тизимида коррупцияга қарши курашиш муаммолари” ва “Суд-ҳукуқ соҳасидаги ислоҳотлар” каби янги ўқув дастурлари киритилди.

2021 йилнинг 4-9 январь кунлари тингловчилардан (жиноят, маъмурий, иқтисодий, фуқаролик) ўқув режасидаги фанлар бўйича синов имтиҳонлари қабул қилинди. Синов имтиҳони натижалари бўйича 56 фоиздан кам балл олган жами **2 нафар тингловчи** (Хатамова Дилдора Мадаминовна, Матякубов Рузимбой Кадамбаевич) Судьялар олий мактаби директорининг 2021 йил 3 февралдаги 5-ум-сон буйруғига асосан **tinglovchilar safidan chiqarildi**. Уларга тўланган жами **32 235 296 сўм стипендия суммасини бюджетга ундириш тўғрисида** фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро суди ва Янгиқўрғон туманлараро судининг ҳал қилув қарорлари чиқарилди.

2020/2021 ўқув йили магистратура тингловчилари учун ўқув жараёнлари анъанавий шаклда давом эттирилди. Судьялар олий мактаби директорининг 2021 йил 27 мартағи 22-ум-сон буйругига кўра **магистратура тингловчиларининг стажировкаси** ташкил этилди. Магистратура тингловчилари учун стажировка ўташ дастури ишлаб чиқилди ва тасдиқланди. 2021 йил 29 март кунидан бошлаб тасдиқланган ўқув режасига мувофиқ магистратура тингловчилари Тошкент шаҳар судининг худудий судларига стажировка ўташ учун юборилди. **Стажировка икки босқичда Тошкент шаҳар суди ва унинг қўйи судларида ташкил этилди.**

Кафедралар томонидан магистратура, малака ошириш курслари тингловчилари учун оралиқ ва якуний имтиҳон саволлари (ҳар бир фандан 100 тадан), мустақил иш топшириқлари (70 та), казус ва кейслар (ҳар бир фандан 50 та), тест (90 та) материаллари ишлаб чиқилди.



2021 йилнинг 31 декабрь ҳолатига кўра шулардан **62 нафари (85%) судьялик лавозимига** (шундан 16 нафари иқтисодий, 19 нафари жиноят, 16 нафари фуқаролик ишлари бўйича, 11 маъмурий суд судьялиги) **тайинланган, 1 нафари** (фуқаролик хуқуқи йўналиши) **нолойик деб топилган.**

2020/2021 ўқув йили учун магистратура тингловчилари билан **10 дан ортиқ имитацион суд процесслари** махсус сценарийлар асосида ташкил этилиб, улардан **3 таси “Ўзбекистон” телерадиоканалининг “Одил судлов” кўрсатувида** намойиш этилди.

Суд фаолиятининг долзарб мавзулари юзасидан миллий мутахассислар ва хорижий давлатлар экспертлари иштироқида **15 га яқин маҳорат дарслари** ташкил этилди.




2021 йилнинг 19-30 июль кунлари магистратура тингловчилари учун **магистрлик диссертацияси ҳимояси ва якуний давлат аттестация синовлари** ўтказилди. Имтиҳон натижаларига кўра **73 нафар магистратура тингловчиси** (шундан жиноят ишлари бўйича 25 нафар, фуқаролик ишлари бўйича 18 нафар, иқтисодий 18 нафар, маъмурий 12 нафар) ўқув жараёнларини муваффақиятли якунладилар.



Малака ошириш курслари:

Олий мактаб томонидан икки ҳафталик (жами 72 соат) Ўзбекистон Республикаси Олий судининг буюртмаси асосида судьялар ва суд аппарати ходимларининг **мала-ка ошириш курслари** ташкил қилинди.

МАЛАКА ОШИРГАН СУДЬЯЛАР



МАЛАКА ОШИРГАН СУД АППАРАТИ ХОДИМЛАРИ



2021 йилда жами **493 нафар** тингловчи малака ошириш курсларида малакасини оширган. Шулардан **311 нафари** (111 нафари жиноят ишлари бўйича, 112 нафари фуқаролик ишлари бўйича, 42 нафари маъмурий, 46 нафари иқтисодий суд) судьялар, **182 нафари** (28 нафари жиноят ишлари бўйича, 28 нафари фуқаролик ишлари бўйича, 70 нафари маъмурий, 56 нафари иқтисодий) суд аппарати ходимларидир.

Малака ошириш курслари тўлиқ онлайн шаклда ташкил этилди. Малака ошириш курслари якуни бўйича судья ва суд аппарати ходимларидан Судьялар олий мактабининг **электрон платформаси** орқали якуний имтиҳон олиш йўлга қўйилиб, мазкур имтиҳонлардан ижобий балл (56 баллдан юқори) тўплаган тингловчиларга малака оширганларни тўғрисида сертификатлар топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 июлдаги “Рақобат мухитини янада ривожлантириш ва иқтисодиётдаги давлат иштирокини қисқартириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-6019-сонли Фармони билан тасдиқланган “2020 – 2024 йилларда товар ва молия бозорларида рақобатни ривожлантириш стратегиясини амалга ошириш бўйича йўл харитаси”нинг 35-бандига асосан рақобат тўғрисидаги қонун ҳужжатлари қўлланилиши бўйича жорий йилнинг 25-27 февраль кунлари Ўзбекистон Республикаси Олий суди судьялари учун “**Рақобат сиёсати ва ҳуқуқ асослари**” бўйича малака ошириш курси ташкил қилинди. Мазкур курсда **8 нафар Олий суд судьялари** иштирок этишди.

Европа Кенгаши билан ҳамкорликда **HELP электрон платформаси** негизида судьялар малакасини ошириш учун “**Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқлари**” номли онлайн ўқув курси ишлаб чиқилди.

Раҳбарлик лавозимлариға судьяларни қайта тайёрлаш курси:

Давомийлиги икки ой бўлган раҳбарлик лавозимларини эгаллаш учун захирада бўлган судьяларни қайта тайёрлаш курсларида 2021 йилнинг 1 ноябридан 29 декабрь кунига қадар **14 нафар** судья таҳсил олди.



Қисқа муддатли (вебинар) курслар:

2021 йилда 15 дан ортиқ масофавий ва 11 та сайёр қисқа муддатли ўқув курслари ўтказилди. Хусусан:

2021 йилнинг 25 январь – 5 февраль кунлари “Суд ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги конструктив мулоқот” мавзусида оммавий ахборот воситалари ва блогерлар учун маҳсус ўқув курси ташкил этилди.



22-26 февраль кунлари республика судьялари учун “Судларда оммавий ахборот воситалари вакилларининг иштироки” мавзусида ўқув курси ўтказилди. Мазкур курс натижалари бўйича “Суд ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги конструктив мулоқот” номли амалий қўлланма тайёрланди ва иштирокчиларга тарқатилди.



2021 йил 10 февраль куни Жиноят ҳукуқи кафедраси томонидан жиноят ишлари бўйича судьялар учун (レスpubлика барча ҳудудларида) “**Суд, тергов ва суриштирув тергов органлари малакаси, амалий кўниkmалари ва маънавиятини юксалтириш зарурати**” мавзусида масофавий қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилди.

2021 йилнинг 20 февраль куни Тошкент шаҳар барча ихтисослик судьяларига Тошкент шаҳрида жиноятларни жиловлаш, жиноятчилик профилактикасини янада такомиллаштириш, одил судловни таъминлаш ва коррупциядан ҳоли ҳудудга айлантириш бўйича Йўл харита ижросини таъминлаш мақсадида Жиноят ҳукуқи ва Касбий кўниkmалар кафедраси томонидан “**Судлар ва тергов органлари ходимларининг малакаси, амалий кўниkmалари ва маънавиятини юксалтириш, ягона суд амалиётини шакллантириб, суд қарорларининг барқарорлигига эришишнинг устувор йўналишлари**” ҳамда “**Суд психологияси**” мавзуларида қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилди.

Тошкент шаҳрида жиноятларни жиловлаш, жиноятчилик профилактикасини янада такомиллаштириш, одил судловни таъминлаш ва коррупциядан ҳоли ҳудудга айлантириш бўйича Йўл харитасининг 47-банди ижросини таъминлаш мақсадида видеоконференция алоқа режимида “**Махсус билим талаб қилинадиган айrim турдаги жиноят ишларини (ЖКК 167, 168, 184, 205, 210-моддалари) кўришда эътибор қаратилиши лозим бўлган ҳолатлар**” мавзусида 2021 йилнинг 26 февраль куни жиноят ишлари бўйича Навоий ва Тошкент шаҳар судлари судьялари учун, 30 апрель куни жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар ва Хоразм вилояти суди судьялари учун, 11-14 март кунлари Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти судлари судьялари учун қисқа муддатли малака ошириш курслари ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Судьяларнинг чинакам мустақиллигини таъминлаш ҳамда суд тизимида коррупциянинг олдини олиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони ижроси юзасидан Судьялар олий кенгashi томонидан тасдиқланган “Судьяларнинг дахлсизлигини янада кучайтириш ҳамда тизимда коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар” режасига биноан “**Судьялар ва суд ходимларининг касбий малакаси, маънавияти ва масъулиятини ошириш, суд тизимида коррупциянинг барча кўринишларига муросасиз муносабатни шакллантириш**” мавзусида қисқа муддатли ўқув курслари ўтказилди:



6 февраль куни жиноят ишлари бўйича вилоят, туман (шаҳар) судларида (300 нафар судья, 350 нафар суд ходими);

13 февраль куни иқтисодий ишлар бўйича вилоят, туманларарабо, туман судларида (250 нафар судья, 230 нафар суд ходими);

20 февраль куни вилоят, туманларарабо маъмурий судларда (125 нафар судья, 150 нафар суд ходими);

6 март куни фуқаролик ишлари бўйича вилоят, туманларарабо, туман (шаҳар) судларида (230 нафар судья, 250 нафар суд ходими);

3 апрель куни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатлари, маъмурий судларда (100 нафар судья, 120 нафар суд ходими);

8 май куни вилоят, туманларарабо, туман иқтисодий судларда (150 нафар судья, 200 нафар суд ходими).

Судьялар олий мактаби ва АҚШнинг халқаро ривожланиш бўйича агентлиги (USAID) ҳамкорлигига “Ўзбекистон Республикаси Судьяларининг одобахлоқ кодексини амалда қўллаш ва фуқароларнинг судларга ишончини янада ошириш” мавзуусида ҳудудларда ўқув семинарлари ўтказилди. Жумладан:



12 февраль куни Фаргона вилояти судининг судьялари иштирокида;

12 март куни Навоий вилояти судининг судьялари ва суд ходимлари иштирокида;

9 апрель куни Хоразм вилояти судининг судьялари иштирокида;

11 июнь куни Наманган вилояти судининг судьялари иштирокида;

12 июнь куни Андижон вилояти судининг судьялари иштирокида;

9 июль куни Сурхондарё вилояти судининг судьялари иштирокида;

27 сентябрь куни Қорақалпоғистон Республикаси судининг судьялари иштирокида.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 27 декабрдаги йиғилиш баёни билан тасдиқланган “**2020 йилда ёшларга оид давлат сиёсатини янги босқичга олиб чиқишига қаратилган Чора-тадбирлар дастури**”нинг 36-банди ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган “**Вояга етмаганлар билан боғлиқ суд ишларини кўриш**” қисқа муддатли маҳсус ўқув курси дастури тасдиқланди. Дастурга мувоғик:





22-23 июнь кунлари фуқаролик ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Тошкент, Сирдарё вилоятлари судлари судьялари учун;

29-30 июнь кунлари фуқаролик ишлари бўйича Самарқанд, Жиззах, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари судлари судьялари учун;

24-25 июнь кунлари жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар, Тошкент, Сирдарё вилоятлари судлари судьялари учун қисқа муддатли ўқув курслари ташкил этилди.


Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Фавқулодда вазиятлар вазирлиги, Миллий гвардияси, Бош прокуратураси, Судьялар Олий Кенгашининг 2021 йил 10 апрелдаги 17/10/9/30/134-сон қарорига аосан тасдиқланган **“Профилактика инспекторларини (шаҳар ва қишлоқ моделлари асосида) базавий касбий ўқитиш”** режасига биноан Олий мактабнинг профессор-ўқитувчилари ва ходимлари томонидан ҳудудларга чиқсан ҳолда республика профилактика инспекторларининг малакаси оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбарининг 2021 йил 22 июнданги 02-РА/1-1486-сонли Тошкент шаҳрида уюшмаган ёшлар билан ишлаш бўйича топшириқ хатига аосан Олий мактаб томонидан тасдиқланган **“Тошкент шаҳрида уюшмаган ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш бўйича маҳаллалар кесимида ўтказиладиган сайёр курсларнинг ўқув дастури”**га мувофиқ Бектемир ва Яккасарой туманларининг сектор раҳбарлари билан ҳамкорликда Олий мактаб профессор-ўқитувчилари томонидан маҳаллалар кесимида уюшмаган ёшларнинг ҳуқуқий саводхонлигини оширишга қаратилган сайёр ўқув машғулотлари ташкил этилди.


2021 йил 24-25 июнь, 1-2 июль, 8-9 июль, 15-16 август кунлари ЮНИСЕФ халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда барча вилоятлар жиноят ишлари бўйича судлари судьялари учун **“Вояга етмаганлар билан боғлиқ суд ишларини кўриш”** қисқа муддатли курслар (8 та курс) ташкил этилди.

1.4. ОЛИЙ МАКТАБ БИТИРУВЧИЛАРИ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИ


Олий мактаб магистратурасини 2020 йилда тамомлаб, судьялик лавозимига тайинланган **41 нафар судьянинг 2021 йил биринчи ярим йилидаги фаолияти самарадорлиги** Олий мактаб томонидан таҳлил қилинди. Таҳлил натижасида мазкур судьялар томонидан жами **15 855 та иш** кўрилган бўлиб, улардан **33 та (0,2%)** суд қарори бекор қилинганлиги, **22 та (0,1%)** суд қарори ўзгартирилганлиги аниқланди. Ушбу кўрсаткич республика судьяларининг ўртача кўрсаткичи (бекор қилинган – 0,8%, ўзгарган – 0,7%)га нисбатан ижобий натижа ҳисобланади.



ИЛК БОР МУДДАТГА ТАЙИНЛАНГАН СУДЬЯЛАР



СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИНИ БИТИРГАН СУДЬЯЛАР




Шунингдек, Судьялар олий кенгashi томонидан жорий қилинган Судьялар фаолиятини баҳолашнинг электрон рейтинг тизими бўйича 2021 йил мобайнида **илк бор судьялик лавозимига тайинланган судьялар орасида энг юқори кўрсаткич** – 94 баллни, ўртача кўрсаткич – 71 баллни ва энг паст кўрсаткич – 40 баллни ташкил этган. Қайд этилган рейтинг тизимида Олий мактабни 2019-2020 йилларда тамомлаб, судьялик лавозимига тайинланган **109 нафар битирувчиларнинг** кўрсаткичлари таҳлил қилинганда **энг юқори кўрсаткич** – 97 баллни, ўртача кўрсаткич – 76,5 баллни ва энг паст кўрсаткич – **50 баллни** ташкил этганлиги аниқланди. Хусусан:

- 1 нафар судья – 40-60 балл;
- 11 нафар судья – 60-70 балл;
- 24 нафар судья – 70-80 балл;
- 73 нафар судья – 80-90 балл.

1.5. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ҚҮЛЛАНМА ВА РИСОЛАЛАР

Судьялар олий мактаби профессор-үқитувчилари ва ходимлари томонидан **1 та дарслик, 10 та илмий-амалий қўлланма, 2 та конференция материаллари тўплами** тайёрланиб, чоп этилди.

1. “**Иқтисодий процессуал ҳуқуқи**” дарслиги (нашр этиш жараёнида);
2. “**Суд ва оммавий ахборот воситалари ўртасидаги конструктив мулоқот**” номли амалий қўлланма;
3. “**Суд экспертизасини тайинлаш**” номли услубий қўлланма;
4. “**Международное сотрудничество по уголовным делам: экстрадиции - руководство для судей и кандидатов на должность судей**” номли амалий қўлланма;
5. “**Ногиронлиги бўлган шахслар ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш: халқаро ва миллий суд амалиёти**” номли ўқув-амалий қўлланма;
6. “**Халқаро ҳуқуқ нормаларининг судлар томонидан қўлланилиши**” номли амалий услубий қўлланма;
7. “**Коррупцияга қарши курашиш бўйича идоравий чора-табирларнинг са- марадорлигини ошириш масалалари**” номли ўқув-услубий қўлланма (Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси академияси билан ҳамкорликда);
8. “**Жиноят ҳуқуқи ва процесс**” номли маълумот-қўлланма;
9. “**Уголовное право и процесс**” пособие для широкого круга читателей;
10. “**Жиноят-процессуал институтлар: халқаро ва хорижий тажриба**” номли илмий-амалий қўлланма;
11. “**Жиноят процессининг суд мұхокамасида прокурор фикри**” номли ўқув-амалий қўлланма;
12. “**Президент мурожаатномаси – 2021: Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчиликни ислоҳ этишининг навбатдаги вазифалари**” мавзусидаги халқаро конференция материаллари тўплами;
13. “**Ҳуқуқий фанларнинг долзарб муаммолари**” мавзусидаги республика илмий-назарий конференция материаллари тўплами.



1.6. МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ВА СПОРТ ТАДБИРЛАРИ

2021/2022 ўқув йилида тингловчиларнинг маънавий дунёқарашини янада бойитиш мақсадида уларнинг машғулотлардан бўш пайтларида режали асосда **музейлар, театр ва бошқа маънавий-маърифий масканларга ташрифи** ташкил қилинди.

Магистратура тингловчиларининг шахсий ва амалий кўникмаларини ривожлантириш мақсадида республикамизнинг таниқли олимлари, ҳуқуқшунослари ва фахрийлари билан “**Маънавият ва маърифат соати**”да 12 маротаба учрашувлар ўтказилди.

Ҳар ҳафтанинг пайшанба куни “Спорт – соғломлаштириш куни” доирасида мунтазам равишда спорт тадбирлари (футбол, стол тениси, шахмат, шашка) ўтказиб келинди. Хусусан, “Наврӯз” умумхалқ байрами муносабати билан 29 март – 2 апрель кунлари **футбол, стол тениси, шахмат бўйича спорт мусобақалари ҳамда “Заковат” интеллектуал ўйинлари** магистратура тингловчилари ва докторантлар ўртасида ташкил этилди.

Ҳисобот даврида Олий мактаб профессор-ўқитувчилари томонидан 20 га яқин телевидение ва радиода чиқишлилар қилинди, Олий мактаб фаолиятини яқиндан ёритишига қаратилган кўрсатувлар тайёрланди ва эфирга узатилди.



II. ИЛМИЙ ВА АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ФАОЛИЯТНИ АМАЛГА ОШИРИШ

Суд-хуқуқ тизимини, шу жумладан қонунчиликни такомиллаштириш ва ягона суд амалиётини шакллантиришнинг долзарб масалалари бўйича фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш, шунингдек суд-хуқуқ фаолиятини илмий-методик жиҳатдан таъминлаш, тегишли таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш юзасидан қўйидаги ишлар амалга оширилди.

2.1. ТАЙЁРЛАНГАН ТАҲЛИЛИЙ МАЪЛУМОТНОМАЛАР ВА УЛАР АСОСИДА ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ЛОЙИҲАЛАРИ

2021 йил давомида **1 та** қонун лойиҳаси, **1 та** Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори лойиҳаси, **1 та** халқаро ҳужжат лойиҳаси, **4 та** таҳлилий маълумотномалар тайёрланиб тегишли ташкилотларга кўриб чиқиш ва қабул қилиш учун юборилган.



1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 7 декабрдаги ПФ-6127-сон Фармони билан тасдиқланган “Суд ҳокимияти мустақиллигини янада кучайтириш, судьялар дахлсизлигини таъминлаш ҳамда тизимда коррупциянинг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар режаси”нинг 9-банди ижросини таъминлаш бўйича “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатлариiga ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси (12.01.2021 йилда Президент Администрациясига юборилган).

2. Тошкент вилояти ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари фаолиятига оид таҳлилий маълумот (08.05.2021 йилда Президент Администрациясига юборилган).

3. Вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларни олдини олишга қаратилган ташкилий-ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш юзасидан таклифлар (03.06.2021 йилда Президент Администрациясига юборилган).

4. Тошкент шаҳар Бектемир ва Яккасарой туманларида жиноятчиликни

**олдини олиш ва унга қарши курашиш самара-
дорлигини ошириш бўйича амалга оширилган
ишларга оид таҳлилий маълумот** (22.05.2021
йилда Президент Администрациясига юборил-
ган).

5. “Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2019 йил 6 январдаги “Судьялик лавозимлари-
га номзодларни тайёрлаш, судьялар ва судлар
аппарати ходимларини қайта тайёрлаш, улар-
нинг малакасини ошириш тизимини тубдан
такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғриси-
да”ги ПҚ-4096-сон қарорига ўзгартариш ва қў-
шимчалар киритиш тўғрисидаги қарор лойиҳала-
ри (17.03.2021 йилда, 07.08.2021 йилда Президент
Администрациясига юборилган).

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳукуқла-
ри бўйича кенгашининг 46-сессиясида билдирган
таклифлари ижросини таъминлашга қаратилган
“Судьялар кенгашлари фаолиятининг универ-
сал принциплари” лойиҳасини ишлаб чиқиша
иштирок этилди. (12.05.2021 йилда Олий Мажлис
ва Инсон ҳукуклари бўйича Ўзбекистон Республи-
каси миллий марказига юборилган).

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг
топшириғига биноан “Суд-хукуқ соҳасидаги ис-
лоҳотлар мазмуни: 2017-2021 йилларда эри-
шилган натижалар” юзасидан таҳлилий маъ-
лумотномани ишлаб чиқиша иштирок этилди.
(06.07.2021 йилда Стратегик ва минтақаларaro
тадқиқотлар институтига юборилган).



2.2. ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ЛОЙИХАЛАРИ ЮЗАСИДАН ТАЙЁРЛАНГАН ХУЛОСАЛАР

1. “Суд қарорларини қайта кўриш институти такомиллаштирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш ҳақида”ги Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳаси (16.02.2021 йилда Олий судга юборилган).
2. Суд қарорларини қайта кўриш институтининг такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги Қонунига ўзгартишлар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси (18.02.2021 йилда Бош прокуратурага юборилган).
3. “Маънавий зарарни қоплашга қаратилган қонун ҳужжатлари такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига қўшимча ва ўзгартишлар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси (05.04.2021 йилда Адлия вазирлигига юборилган).
4. “Судъяларнинг малака ҳайъатлари тўғрисида”ги низом лойиҳаси (янги таҳрирда) (08.04.2021 йилда Олий судга юборилган).
5. “Судлар тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни (янги таҳрир) лойиҳаси (05.05.2021 йилда Олий судга юборилган).
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Давлат органлари ва ташкилотларида жиноятчиликнинг барвақт олдини олишнинг қўшимча механизмларини жорий этиш тўғрисида”ги Фармойиши лойиҳаси (14.04.2021 йилда Бош прокуратурага юборилган).
7. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси янги таҳрирдаги лойиҳаси (18.03.2021 йилда Бош прокуратурага юборилган).
8. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят, Жиноят-процессуал кодексларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонун лойиҳаси (18.02.2021 йилда Бош прокуратурага юборилган).
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон Фармони ижроси юзасидан “Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиб Миллий кенгаши тўғрисида”ги Низом лойиҳаси (19.03.2021 йилда Коррупцияга қарши курашиб агентлигига юборилган)
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 29 июндаги ПФ-6013-сон Фармони ижроси юзасидан “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва улар лойиҳаларининг коррупцияга қарши экспертизаси тўғрисида”ги Қонун лойиҳаси (19.03.2021 йилда Президент Администрациясига юборилган).
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 3 февралдаги ПФ-6155-сон Фармони ижроси юзасидан “Миллий қонунчилик базасини комплекс тизимлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони лойиҳаси (22.02.2021 йилда Адлия вазирлигига юборилган).

2.3. ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ ҚАРОРИ ЛОЙИХАЛАРИНИ ИШЛАБ ЧИҚИШДА ИШТИРОК ЭТИЛГАНЛИК ҲОЛАТИ



1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан иқтисодий ишларни апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги қарори лойиҳаси (24.02.2021 йилда Олий судга юборилган).

2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми айрим қарорлариiga ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қарори лойиҳаси (04.03.2021 йилда Олий судга юборилган).

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан фуқаролик ишларни апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги қарор лойиҳаси (15.03.2021 йилда Олий судга юборилган).


4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан маъмурий ишларни апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги қарори лойиҳаси (18.03.2021 йилда Олий судга юборилган).

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг “Судлар томонидан жинот ишларини апелляция тартибида кўриш амалиёти тўғрисида”ги қарори лойиҳаси (27.03.2021 йилда Олий судга юборилган).



2.4. ДАВЛАТ ДАСТУРЛАРИ ВА ҲУКУМАТ ТОПШИРИҚЛАРИ ИЖРОСИНИ ТАЪМИНЛАШ БЎЙИЧА ТАДБИРЛАРДА ИШТИРОК ЭТИЛГАНЛИК ҲОЛАТИ

- 1. Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссия таркибида иштирок этилди.**
2. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва миңтақалараро тадқиқотлар институти қошидаги **Мувофиқлаштирувчи ва маслаҳат Кенгашининг Давлат ва жамият қурилиши, жамоат хавфсизлигини таъминлаш масалалари бўйича секцияси** таркибида иштирок этилди.
3. “**Мустақиллик йилларида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар бўйича қиёсий таҳлилларни амалга ошириш режаси**”ни амалга оширувчи Мувофиқлаштирувчи комиссия таркибида иштирок этилди.
4. **БМТнинг маҳсус маъruzачиси Д.Гарсия-Саяннинг тавсияларини амалиётга жорий қилиш бўйича “Йўл харитаси”ни амалга оширувчи ишчи гурӯҳ таркибида иштирок этилди.**
5. Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ўтказилиши муносабати билан **Марказий сайлов комиссияси** томонидан ташкил этилган **сайлов қонунчилиги бўйича республика тренерлари гурӯҳида** иштирок этилди.
6. “**Жаҳон одил судлов лойиҳаси**” халқаро ноҳукумат ташкилотининг “**Сиёсий-хуқуқий соҳаларга оид рейтинг ва индекслар**”да **Ўзбекистоннинг ўрнини яхшилаш бўйича “Йўл харитаси”**да бегиланган топшириклар ижроси юзасидан таҳлилий маълумотнома тайёрланди (2021 йил 3 октябрда Адлия вазирлигига юборилган).
7. **Иқтисодий ҳамкорлик ва тараққиёт ташкилотининг Коррупцияга қарши курашиш тармоғининг Истанбул ҳаракатлар режаси** 4-раунд тавсияларини баҷарилиши юзасидан ишчи гурӯҳи таркибида иштирок этилди.
8. “**Тошкент шаҳрида жиноятларни жиловлаш, жиноятчилик профилактикасини янада такомиллаштириш, одил судловни таъминлаш ва коррупциядан ҳоли ҳудудга айлантириш бўйича Йўл харитаси**”да белгиланган вазифалар бўйича комплекс чора-тадбирлар режаси ижросини таъминлашда иштирок этилди.
9. **Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Коррупцияга қарши конвенцияси** талабларини амалга ошириш обзорини тайёрлашда иштирок этилди.
10. Ўзбекистон Республикаси **Сайлов кодексига шарҳлар** тайёрлашда ишчи гурӯҳ таркибида иштирок этилди.



2.5. ЎТКАЗИЛГАН ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ ВА СЕМИНАРЛАР

Олий мактаб кафедралари томонидан ташкил қилинган конференция, давра сұхбати ва илмий семинарлар

1. 2021 йил 18 февралда Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси томонидан “Фуқаролик Кодекси лойиҳаси муҳокамада: ютуқлар ва кутилаётган натижалар” мавзусида илмий-амалий конференция;



2. 2021 йил 21 февралда Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси томонидан “Фуқаролик Кодекси лойиҳаси муҳокамада: ютуқлар ва кутилаётган натижалар” мавзусида илмий-амалий конференция;

3. 2021 йил 26 февралда Жиноят ҳуқуқи кафедраси томонидан халқаро ташкилттар иштирокида “Президент мурожаатномаси - 2021: Жиноят ва Жиноят-процессуал қонунчиликни ислоҳ этишнинг навбатдаги вазифалари” мавзусида илмий-амалий халқаро конференция;

4. 2021 йил 11 марта Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси томонидан “Фуқаролик Кодекси лойиҳаси: Фуқаролик ҳуқуқи билан тартибга солинадиган муносабатлар” мавзусида илмий-амалий конференция;

5. 2021 йил 23 марта Касбий күнікмалар кафедраси томонидан “Суд тизими мустақиллигига оид халқаро стандартлар” мавзусида халқаро конференция;

6. 2021 йил 30 марта Касбий күнікмалар кафедраси томонидан “Суд ҳуқуқ соҳасидаги ўзгаришлар – давр талаби” мавзусида илмий-амалий давра сұхбати;





7. 2021 йил 23 апрелда Жиноят ҳуқуқи кафедраси томонидан “Жиноят процессида дастлабки эшитув: Россия ва Ўзбекистон қонунчилигини қўллаш амалиётидаги муаммолар” мавзусидаги илмий-амалий халқаро семинар;

8. 2021 йил 27 апрелда Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси томонидан “Фуқаролик Кодекси лойиҳаси мухокамада: “Инсофли эгалловчи институтини такомиллаштириш муаммолари” мавзусида давра сұхбати;

9. 2021 йил 30 апрелда Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси томонидан Ўзбекистон Республикаси нотариал палатаси билан ҳамкорликда “Фуқаролик кодекси лойиҳаси мухокамада: ворислик институтини такомиллаштириш масалалари” мавзусида давра сұхбати;

10. 2021 йил 8 майда Иқтисодий ҳуқуқ кафедраси томонидан Судьялар олий кенгаши билан ҳамкорликда “Устоз-шогирд” анъаналари: амалий мулоқотлар, фойдали тавсиялар” мавзусидаги амалий учрашув;

11. 2021 йил 27-28 майда Жиноят ҳуқуқи кафедраси томонидан Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратураси билан ҳамкорликда «Современная юридическая наука и образование: актуальные проблемы и пути их решения» мавзусидаги конференция;





12. 2021 йил 17 июнда Жиноят ҳуқуқи кафедраси томонидан “Минтақавий мулоқот” ННТ билан ҳамкорликда **“Ўзбекистон жиноят ишлари бўйича судларида айбига иқрорлик келишуви”** мавзусида судьялар учун халқаро тренинг;

13. 2021 йил 18 июнда Маъмурий ҳуқуқ кафедраси томонидан Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Давлат ва ҳуқуқ институти, Германия ҳамкорлик ташкилоти билан биргаликда **“Актуальные вопросы административного судопроизводства Республики Узбекистан”** Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллига бағишиланган халқаро конференция;

14. 2021 йил 22 июнда Фуқаролик ҳуқуқи кафедраси томонидан Ўзбекистон Республикасида оила институтини мустаҳкамлаш ва унинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштириш, оила қонунчилигида келиб чиқаётган муаммоларни амалиётда бирхиллаштириш юзасидан **“Оила қонунчилигини такомиллаштириш муаммолари: назария ва амалиёт”** мавзусидаги илмий-назарий конференция;

15. 2021 йил 28 июль куни Жиноят ҳуқуқи кафедраси томонидан БМТнинг Наркотиклар ва жиноятчиликка қарши курашиш бошқармаси, Одам савдосига қарши курашиш масалалари бўйича кичик комиссия билан ҳамкорликда 30 июль – Одам савдосига қарши курашиш бутунжаҳон куни муносабати билан **“Одам савдоси билан боғлиқ жиноят ишлари бўйича одил судлов - халқаро ва миллий тажриба”** мавзусида давра сұхбати;

16. 2021 йил 10 декабрь Жиноят ҳуқуқи кафедраси томонидан Евropa Кенгashi билан ҳамкорликда Судьялар олий мактаби тингловчилари ва судьялар учун **“Одил судлов соҳасидаги халқаро стандартлар”** мавзусида онлайн семинар;

17. 2021 йил 24 декабрь Жиноят ҳуқуқи кафедраси ва Бosh прокуратура Академияси билан ҳамкорликда **“БМТ Коррупцияга қарши конвенциясини амалга ошириш механизми: иккинчи босқич таҳлили”** мавзусидаги мусобақа шаклидаги конференция.

Ҳисобот даврида Олий мактабнинг профессор-ўқитувчилари ва ходимлари республика ва халқаро миқёсда ташкил этилган **70 дан ортиқ** конференция, давра сұхбати ва семинар-тренингларда иштирок этдилар.

2.6. ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТЛАРНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ


Олий мактабда суд-хуқуқ тизимини ва қонунчилликни такомиллаштириш ва ягона суд амалиётини шакллантиришнинг долзарб масалалари бўйича чуқур фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш давом эттирилди.

Хисобот даврида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Олий таълимдан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 22 майдаги 304-сон қарори талабларига мувофиқ суд-хуқуқ тизими-ни ва қонунчилликни такомиллаштириш ва ягона суд амалиётини шакллантиришнинг

долзарб масалалари бўйича чуқур фундаментал, амалий ва инновацион илмий-тадқиқот ишларини амалга ошириш қобилиятига эга **25 нафар** (5 нафар таянч докторант ва 20 нафар мустақил изланувчи) **талабгорлар** танлаб олиниб, фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун таянч докторант ҳамда мустақил изланувчиларнинг диссертация мавзулари, илмий раҳбарлари ва илмий консультантлари рўйхати тасдиқланди.


25
нафар
5
нафар таянч докторант
20
нафар мустақил изланувчи

Олий мактабнинг Олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига Мустақил изланувчиликка қабул қилинган мустақил изланувчилар фаолияти доимий равишда мувофиқлаштириб борилди. Олий мактаб директорининг **2021 йил 27 майдаги ва 2 декабрдаги тегишли буйруқларига** асосан мустақил изланувчилар фаолияти самарадорлиги мониторинг ўтказиш йўли билан ўрганилди ва ўрганиш натижасига кўра **6 нафар** мустақил изланувчи “Олий таълимдан кейинги таълим тўғрисида”ги Низом талабларини бажармагани учун мустақил изланувчилар сафидан чиқарилди, **41 нафар** мустақил изланувчи ва **2 нафар** таянч докторант мониторингдан шартли равишда ўтказилиб, камчиликларни бартараф қилиш учун уч ойлик муддат берилди.



Етакчи ташкилот сифатида **5 нафар тадқиқотчининг диссертация ишлари муҳокама қилинди**.

Олий мактаб хузуридаги илмий даражалар берувчи Ph.D.37/27.02.2020.Yu.107.01 рақамли Илмий кенгашда **2 нафар тадқиқотчи** (А.Одинаев, У.Махмудходжаева)нинг **номзодлик диссертациялари ҳимояси** ўтказилди.






Олий аттестация комиссияси раисининг 2021 йил 31 июлдаги 354-сонли қарори билан юридик фанлар доктори диссертация ҳимоясини ўтказиш учун Олий мактабда бир марталик Илмий кенгаш тузилди. 2021 йил 28 сентябрда ушбу Илмий кенгаш йигилишида **В.Топилдиевнинг докторлик диссертацияси ҳимояси** ўтказилди.

Олий аттестация комиссияси Раёсатининг 2020 йил 13 май кунидаги 278/4-сонли қарори билан Судьялар олий мактаби 12.00.03 – Фуқаролик ҳуқуқи. Тадбиркорлик ҳуқуқи. Оила ҳуқуқи. Халқаро хусусий ҳуқуқ ҳамда 12.00.04 Фуқаролик процессуал ҳуқуқи. Хўжалик процессуал ҳуқуқи. Ҳакамлик жараёни ва Медиация ихтисосликлари бўйича **малакавий имтиҳон қабул қилиш комиссияси** ташкил этилган бўлиб, 2021 йилнинг февраль ва май ойлари сессияларида **6 нафар тадқиқотчининг малакавий имтиҳонлари** ўтказилди.

Бугунги кунда Судьялар олий мактабида **94 нафар** (3 нафари докторант, 17 нафари таянч докторант, 74 нафари мустақил изланувчи) шахс Фалсафа доктори (PhD) ва Фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш бўйича тадқиқот ишларини олиб боришимокда.



Хисобот даврида докторантлар ва таянч докторантлар томонидан **1 та** рисола, **53 та** мақола ва **27 та** тезислар илмий журнал ва тўпламларда чоп этилган.

2.7. ХАЛҚАРО ВА ИДОРАЛАРО ҲАМКОРЛИК

Олий мактаб 2021 йил мобайнида Туркия, Корея Республикаси, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Озарбайжон ва Қирғизистон давлатларининг Одил судлов академиялари (судьяларни тайёрлаш бўйича муассасалари) билан ҳамкорлик алоқалари ни амалга оширди. Жумладан, Қозоғистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Одил судлов академияси билан “Ҳамкорлик меморандуми” имзоланди, Туркия Одил судлов академияси ва Корея Республикасининг Суд тадқиқотлари ва таълим институти билан меморандум имзолаш бўйича келишувларга эришилди.



USAID
FROM THE AMERICAN PEOPLE



USAID агентлигининг “Ўзбекистонда ҳуқуқий ислоҳотлар дастури”, БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистон қонун устуворлиги йўлида дастури”, БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавийофиси, Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ), Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси, “Халқаро юристлар комиссияси” ташкилоти ва “Минтақавий мулодот” халқаро ташкилоти билан ҳамкорлик доирасида лойиҳалар амалга оширилган бўлса, Европа Кенгашининг “HELP” дастури ҳамда Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорлик алоқалари ўрнатилди.

Ҳисобот даврида халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлика **13 та халқаро тадбирлар ва 11 та ҳудудий тренинглар** ўтказилди:

1. БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистон қонун устуворлиги йўлида дастури” билан ҳамкорлика тингловчилар учун **“Халқаро савдо ташкилотида низоларни ҳал этиш”** мазусида тренинг (2021 йил 1 февраль куни);
2. БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистон қонун устуворлиги йўлида дастури” билан ҳамкорлика тингловчилар учун **“Инвестицияга оид низоларни ҳал қилиш тартиби”** мавзусида тренинг (2021 йил 2 февраль);
3. Халқаро юристлар комиссияси ташкилоти иштирокида **“Президентнинг мурожаати – 2021. Жиноят ва жиноят процессуал қонунчилигини ислоҳ қилишининг навбатдаги вазифлари”** номли халқаро конференция (2021 йил 26 февраль);
4. Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) билан ҳамкорлика тингловчилар учун **“Суд тизими мустақиллигининг халқаро стандартлари”** мавзусида семинар (2021 йил 23 март);



5. БМТ Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармасининг Марказий Осиё бўйича минтақавий оғиси ҳамда Халқаро юристлар комиссияси ташкилоти билан ҳамкорликда “**Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар соҳасида халқаро ҳуқуқни қўллаш**” мавзусида тингловчилар ва судьялар учун халқаро конференция (2021 йил 25 март);

6. БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистон қонун устуворлиги йўлида дастури” билан ҳамкорликда тингловчилар учун “**Кейсларни шакллантириш**” мавзусида тренинг (2021 йил 8 апрель);

7. БМТ Тараққиёт дастурининг “Ўзбекистон қонун устуворлиги йўлида дастури” билан ҳамкорликда тингловчилар ва судьялар учун “Стрессни бошқариш” мавзусида тренинг (2021 йил 8 май);

8. “Минтақавий мулоқот” халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда “**Жиноят судларини айбни тан олиш битими**” мавзусида халқаро семинар (2021 йил 17 июнь);

9. Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) билан ҳамкорликда “**Маъмурий суд ишларини юритишнинг долзарб масалалари**” мавзусида халқаро конференция (2021 йил 18 июнь);

10. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги ва Германиянинг Конрад Аденауэр жамғармасининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси билан ҳамкорликда тингловчилар ва судьялар учун “**Ўзбекистон судлари фаолиятида халқаро шартномалар нормаларини қўллашни кучайтириш**” мавзусида тренинг (2021 йил 28-29 июнь ва 5-6 июль кунлари);

11. Олий мактаб Маъмурий ҳуқук йўналиши тингловчилари учун Германия халқаро ҳамкорлик жамияти (GIZ) билан ҳамкорликда “**Маъмурий ҳужжатлар юзасидан шикоят қилиш**” мавзусида халқаро семинар (2021 йил 19 ноябрь);

12. Германия халқаро ҳуқуқий ҳамкорлик жамғармаси (IRZ) билан ҳамкорликда “**Судьяларни тайёрлаш: Германия Федератив Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси тажрибалари**” мавзусида халқаро конференция (2021 йил 15 декабрь);

13. Халқаро юристлар комиссияси ташкилоти билан ҳамкорликда “**Ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳуқуқлар соҳасида халқаро ҳуқуқ**”





мавзусида халқаро конференция (2021 йил 21-22 декабрь).

USAID агентлигининг “Ўзбекистонда хуқуқий ислохотлар дастури” билан ҳамкорликда **Қорақалпоғистон Республикаси ва 10 та вилоятларда** судьялар ва суд аппарати ходимлари учун “**Суд этикасы. Миллий ва хорижий тажриба**” мавзусида тренинглар ташкил этилди.


Хорижий давлатларнинг соҳа тажрибаси ҳамда таълим муассасалари фаолиятини ўрганиш.

Олий мактаб ўқитувчиси Б.Мўминов “Фулбрайт” дастури гранди совриндори сифатида **АҚШнинг Джорджиа давлат университетида**, кафедра мудири С.Рахманова Европа Кенгашининг “**Инсон хуқуqlari соҳасида таълим**” йўналишида Франциянинг Страсбург шаҳрида, Халқаро ҳамкорлик бўлими бош мутахассиси У.Холиқов **Москва давлат халқаро алоқалар университетида** Европа Кенгashi томонидан ташкил этилган “**Инсон хуқуqlari соҳасида халқаро ҳамкорлик**” мавзусидаги малака ошириш курсларида иштирок этилди.

Судьялар олий мактаби кафедра мудири ю.ф.д., профессор Б.Самарходжаев Қозогистон Республикасининг **Олмаота шаҳрида “Маъмурий хуқуқда далиллар ва исботлаш”** мавзусига бағишлиланган халқаро конференцияда иштирок этди.

Олий мактаб аъзоларидан иборат ишчи гурух Туркиянинг Анқара шаҳрида Туркий Кенгаш давлатларининг **Одил судлов академиялари** учрашувчида иштирок этишиб, ташриф давомида Туркия Одил судлов академияси тажрибаси, судьялликка номзодларни танлаш ва тайинлаш амалиёти ўрганилиб, Туркия Одил судлов академияси билан ҳамкорлик меморандумини имзолаш бўйича келишувга эришилди.

2.8. ОЛИЙ МАКТАБНИНГ ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ФАОЛИЯТИГА ЁНДОШ БОШҚА ТАДБИРЛАР



Олий мактабнинг www.sudylarolymaktabi.uz расмий веб-сайти янгиланди, унинг “Facebook” ва “Телеграм” ижтимоий тармоқларида саҳифалари очилди.


Олий мактаб ходимлари томонидан давлат ва нодавлат телерадиоканалларида **80 дан ортиқ** ҳуқуқий мавзудаги чиқишлар қилинди, илмий-амалий мақолалар газета, журнал ва интернет тармоқларида чоп этилди.

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигига 2021 йил 7 апрель куни Олий мактабнинг 2020 йилдаги фаолияти юзасидан **брифинг ўтказилиб, “Uzreport” телерадиоканалида намойиш этилди.**

Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги томонидан эълон қилинган танловда Олий мактаб қуидаги **2 та грант бўйича ғолибликни қўлга киритди:**

1) “Судлар фаолияти самарадорлигини баҳолаш бўйича индикаторларни ўрганиш асосида “e-justice” мобил иловасини яратиш” номли инновацион лойиха;

2) “Интеллектуал мулк эгалари ҳуқуқларини суд орқали ҳимоя қилиш тизими ҳамда судьяларни интеллектуал мулк соҳасида ўқитиш бўйича мультимедиа маҳсулотларини ишлаб чиқиш” номли инновацион лойиха.



2.9. “ODILLIK MEZONI” ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ЖУРНАЛИ ТАҲРИРИЯТИ ФАОЛИЯТИ



Судьялар олий мактаби томонидан таъсис этилган “Одиллик мезони” илмий, амалий, оммабоп журнали Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан юриспруденция соҳасида асосий илмий-амалий натижаларни нашр қилиш учун тавсия қилинадиган илмий нашрлар рўйхатига кирилган бўлиб, 2021 йилда журнал ҳар ойда бир марта нашр этилиб, **жами 12 та сони чоп этилди**.

2021 йил давомида ҳар ойда бир марта нашр этиладиган мазкур журналнинг **12 та сони қарийб 25000 нусхада**, 64 саҳифадан иборат бўлиб, йил давомида ҳар ойда ўртacha **2200 дона** нашр этилиб, судьяларга, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларига, Олий мактаб тингловчилари га ҳамда обуначиларга мунтазам етказиб берилди.

“Киёсий таҳлил”, “Мутахассис мулоҳазаси”, “Масъулият мезонлари”, “Суд амалиёти”, “Кун мавзуси”, “Хориж тажрибаси” ва бошқа ўнлаб рукнлар ташкил этилган. Ҳар бир сонида 20 дан ортиқ мақола ва материаллар ўзбек, рус ва инглиз тилида бериб борилди. Кўплаб хорижлик муаллифлар, ҳуқуқшунос олимлар, Парламент аъзолари, судьялар ва суд тизими ходимлари, тадқиқотчилар муаллиф сифатида фаол иштирок этишиди.

“Odillik mezoni” илмий-амалий ва ҳуқуқиий журналида ўтган йил давомида **ўзбек тилида 300 дан ортиқ, рус ва инглиз тилларида 100 га яқин илмий мақолалар ўқувчилар ҳукмига ҳавола** этилди.

“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” БОФИ ВА МУСТАҚИЛЛИК МОНУМЕНТИ – ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНН ИНГ ЁРКИН ТИМСОЛИ



Қайдлар учун

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СУДЬЯЛАР ОЛИЙ КЕНГАШИ ҲУЗУРИДАГИ
СУДЬЯЛАР ОЛИЙ МАКТАБИ**